

# O'ZBEKISTON

# O'VOZI

IJTIMOIY-  
SIYOSIY  
GAZETA

• 2006-yil • 21-sentabr • Payshanba • 112 (27.604) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

# ПРЕЗИДЕНТНИНГ ФАРФОНА САФАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари, кенг қамровли ўзгаришлар билан танишиш мақсадида 20 сентябрь куни Фарғона вилоятига ташриф буюрди

Давлатимиз раҳбари Фарғона шаҳрида барпо этилган савдо мажмуини бориб кўрди. Бу ерда тўрт юздан ортиқ савдо дўкони бўлиб, харидорлар, кичик бизнес вакиллари ва тadbirkorлар учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Президент ушбу мажмуа ишини янада такомиллаштириш, замон талаблари даражасига кўтариш юзасидан мутасаддиларга тегишли тавсиялар берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 9 ноябрда қабул қилинган «Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига биноан шу кунларда мазкур шаҳар тўйига қизгин ҳозирлик кўриляпти.

Ўртбошимиз Марғилон шаҳрида бўлиб, юбилейга тайёргарлик ишлари билан танишди.

Бугун Марғилон шаҳрида бўлган киши бу ерда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ва обдонлаштириш ишларининг гувоҳи бўлади. Айни пайтда шаҳардаги 35 та иншоотда қурилиш, реконструкция ва обдонлаштириш ишлари жадал даврида эълан қилинди. Улар орасида Пир Сиддик мажмуаси, Улугмозор зийратгоҳи, Жаҳон отин Увайсий мақбараси ва музейи, Саид Аҳмад Хожа Эшон мадрасаси бор. Бу ерда ёшлар учун ўзига хос қўришниш ва қўлайликларга эга «Ёшлар хиёбони» бунёд этилмоқда. Шаҳар марказидаги шохбегани қайта қуриш, Мустақиллик, Туркистон, Навоий, Марғиновий ва Ал-Фарғоний кўчаларини капитал таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Шаҳар инфратузилмасини тубдан яхшилаш мақсадида Узуноҳузу маҳалласида сув тармоғини қуриш, Ёвқор маҳалла ҳудудидagi магистрал газ тармоғини халқлаштириш, ичимлик сув тармоқларини ка-

питал таъмирлаш, электр энергияси таъминоти янада яхшилаш ишлари режа асосида олиб борилмоқда. Ипакчилар шаҳарчасининг «Турон шойиси» қорхонаси ҳудудда замонавий савдо мажмуаси барпо этилмоқда. Шаҳарчани темир йўл мавзеси билан боғловчи автомобиль йўли қурилиши давом этмоқда.

— Икки минг йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик қўриляётган Марғилон шаҳрида қурилиш ва обдонлаштириш ишларини амалга ошириш билан бирга, бу ерда яшайдиган аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилариган янги иш ўринлари яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур, — деб таъкидлади Ислам Каримов.

Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳалари каби таълим-тарбия тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар замирида баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу ният мустақим.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига мувофиқ бу йил Фарғона вилоятида 85 та умумтаълим мактаби капитал реконструкция қилинди ва таъмирланди. Иккита янги мактаб бунёд этилди. Жумладан, Марғилон шаҳрида салкам минг ўринли замонавий мактаб қуриб битказилди. Лекин асосий мақсад таълим масканларининг таъкид қилиниши ўзгариши, уларнинг шароитини яхшилашдан иборат эмас, балки уларда олиб бориладиган таълим-тарбия жараёнининг мазмун-моҳиятини янада чуқурлаштиришдан, ҳар жихатдан қамолга етган баркамол авлодни тарбиялашдан иборатдир.

Президентимиз Марғилон шаҳрида қад ростлаган янги таълим масканини таъкид қилиб, мазкур таълим маскани ўқувчилари ва педагоглари билан суҳбатлади. Бундай таълим мас-


канларида, аввало, таълим мазмуни ва маънавий томонларида жиддий эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Жумладан, табибей коллежи билан поликлиниканинг бир жойда жойлашгани амалиёт нуқтаи назаридан мақбул бўлса-да, аҳоли ва ўқувчилар учун муайян ноқулайликлар келтириб чиқариши мумкин. Шу боис поликлиникани коллеждан ажратиб олиш зарур.

— Коллежда ўқувчиларнинг ўқиши, дам олиши замон талаблари даражасида бўлишини таъминлаш учун бу ерда ётоқхона ҳам бўлиши зарур, — деди давлатимиз раҳбари. — Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлардан асосий мақсадимиз — фарзандларимизнинг мукамал таълим-тарбия олишлари, ўз соҳасининг етуқ мутахассислари бўлиб етиштирилиши учун барча шарт-шароитларни яратишдан иборатдир.

Ўртбошимиз Марғилонда яқинда қурилиши ниҳоясига етган қўрқдан ортқ оилага мўлжалланган шинам уйлари қўздан кечирди. Хонадонларда яратилган қулай шароитлар билан танишиш чоғида кишиларнинг руҳини кўтарариган, уларнинг эртанги кунга ишонини мустаҳкамлашга хизмат қилариган бундай амалиёт ва хайрли ишларни янада кўпайтириш лозимлигига эътиборни қаратди.

Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар замирида халқимиз фаровонлигини оширишдек эзгу ниятлар мустақим олиб бориладиган таълим-тарбия жараёнининг мазмун-моҳиятини янада чуқурлаштиришдан, ҳар жихатдан қамолга етган баркамол авлодни тарбиялашдан иборатдир.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,  
Масъуд СУЛАЙМОНОВ,  
ЎЗА махсус мухбирлари



## МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ УСТУНЛАРИ

«Шўртан газ-кимё» мажмуи нафақат Қашқадарё вилояти, балки мамлакатимиз иқтисодиётининг мустаҳкам таянчларидан биридир. Бу ерда қазиб олинган ва қисман тозаланган газ чуқур ишловдан ўтди. Шунда хомашё таркибидан олтингургурт, тозаланган газ, газ конденсати, суюлтирилган газ ва ниҳоят, асосий маҳсулот — полиэтилен гранулялари олинади. Бу ишлар Канаданинг «Nova Chemicals» компанияси технологияси ва лицензияси

асосида амалга оширилади. Мажмуа маҳсулоти сифат жиҳатдан жаҳон андозаларига жавоб беради. 2245 киши меҳнат қилаётган мажмуада йилга 3,1 миллиард куб метр товар газ, юз минг тонна суюлтирилган газ, 100 минг тонна газ конденсати, 125 минг тонна полиэтилен грануляси ишлаб чиқарилади. Катта миқдорда полиэтилен, суюлтирилган газ, конденсат, олтингургурт ва товар газ ишлаб чиқаришга қодир мажмуа

фақат республикамиз эмас, балки дунёнинг кўплаб фирма ҳамда компанияларига сифатли маҳсулот етказиб берапти. **Суратларда:** бош муҳандис (чапдан иккинчи) Тўлаған Жўраев мутахассислар Турсун Олтинбоев, Рашид Раҳмонов ва Холмурод Рўзиев билан янги иш режаларини муҳокама қилляпти; (чапдан) смена раҳбарлари Тохир Хасанов ва Фарход Маҳхамов бошқарув пультада; тажрибали оператор Шокир Элмуродов.



Ш.ШАРОПОВ (ЎЗА) олган суратлар



Ш.ШАРОПОВ (ЎЗА) олган суратлар



Ш.ШАРОПОВ (ЎЗА) олган суратлар

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Сайдамал Сайдаминов Деҳлида Ҳиндистон Республикаси Президенти Авул Пакир Жайнубиддин Абдул Каламга ишонч ёрлиқларини топширди.

Маросим якунида бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ҳиндистон Президенти мамлакатларимиз ўртасидаги икки

томонлама муносабатлар даражасига юқори баҳо берган ҳолда Ўзбекистон Ҳиндистон ташқи сиёсатида алоҳида ўрин тутишини қайд этди. Ҳиндистон етакчиси Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2005 йил апрелда Ҳиндистонга буюрган ташрифи ҳамда ушбу мамлакат Бош вазир М.Сингхнинг жорий йил апрель ойда юртимизга амалга оширган ташрифи давлат-

ларимиз ўртасидаги муносабатлар жадал суръатда ривожланиётганидан далолат беришини таъкидлади. Шу ўринда Ҳиндистон Президенти Деҳлида Ислам Каримов билан бўлиб ўтган ва икки томонлама муносабатлар ҳамда халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари муҳокама этилган учрашувини мамнуният билан ёдга олди.

«Жаҳон» АА  
Деҳли

## Сўз — ЎЗХДП фракцияси аъзоларига

# МУКАММАЛ ҚОНУНЛАР

## ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

«Ипотека тўғрисида»ги Қонунлар қўмита ишининг маҳсули бўлди. Мамлакат Президентининг 2005 йил 14 июнда «Тadbirkorлик субъектларини хуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Ушбу Фармонда ҳақмалар судига алоҳида эътибор қаратилган. Tadbirkorлик субъектлари ўртасидаги ҳўжалик низолари ҳўжалик суди ёки ҳақмалар суди томонидан кўриб чиқирилиши кўрсатиб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 10-моддасида Фуқаролик хуқуқлари процессуал қонунлар ёки шартномада белгиланган қўйилганидек, ишлар қайси судга тааллуқли бўлишига қараб, ҳўжалик суди ёки ҳолислар суди томонидан ҳимоя қилиниши белгилаб қўйилган бўлса-да, ҳақмалар судлари тўғрисидаги алоҳида қонунимиз йўқ эди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши бу бородаги муаммони ечиш баробарида, тadbirkorлик субъектлари ўртасида низолар келиб чиққан тақдирда уларни ҳал этишга ишонган учинчи шахсга ёрдам учун мурожаат қилишлари имкон туғдиради. Бу эса мамлака-

тимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг энг муҳим устувор вазифалари ҳисобланган бозор ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни янада эркинлаштиришда ва давлатнинг иқтисодиётга аралашувини янада чеклаш, эркин тadbirkorлик фаолияти учун амалий қўллаб-қувватлаш, тўлақонли бозор инфратузилмасини шакллантириш йўлидаги муҳим қадам ҳисобланади. Президентимизнинг 2005 йил 16 февралдаги «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қароридан келиб чиқадиган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ишлаб чиқилган ва қўйилган қонундан қабул қилинган «Ипотека тўғрисида»ги Қонун амалга оширган эътиборга молик ишларимиздан биридир. Ипотека кредити аҳолининг уй-жойга бўлган талабларини қаноатлантиришнинг энг самарали усулларида бири эканлиги дунё тажрибасидан маълум. Шу сабабли, фуқароларимизни уй-жойга эгаллик қилишлари ва уй-жойлар қурилиши бўйича ипотека кредитлаш тизимини ривожлантириш

— бу давлатимизнинг муҳим вазифаларидан бири этиб белгиланган. Бу ўз навбатида аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини ипотека орқали кредитлаш бўйича қонунни яратишга ва бошқа қонун ҳўжатларини тартибга солишга туртки бўлди. Қолаверса, мазкур қонуннинг қабул қилиниши билан деҳқон ва фермер ҳўжалиқларига ўзларининг ерга эгаллик хуқуқини гаровга қўйиш орқали банклардан ипотека кредити олиш имконини яратди. Шунингдек, тadbirkorлик субъектлари учун кўчмас мулк ва шу мулк эгаллаб турган ердан фойдаланиш хуқуқини гаровга қўйиш орқали ипотека кредитлари олиш имконини беради. Бу эса ўз навбатида нафақат қишлоқ ҳўжалигига ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига инвестициялар кириб келишини таъминлайди, балки мамлакатда ишлаб чиқариш миқёсини оширишга ҳамда шаҳарсозликнинг ривожланишига, қишлоқ ҳўжалигига тараққиётни жадаллаштиришга олиб келади. Энг муҳими, саноатнинг ривожланиши натижа-сида халқнинг турмуш фаровонлиги ўсишига эришилади. Фуқароларимизнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш,

уларнинг турмуш шароитлари яхшиланишига, янги ишчи ўринларининг яратилишига олиб келади. Шунингдек, қўмитанинг олиб борган назорат-таҳлил йўналишидаги фаолияти ҳам самарали бўлди. Масалан, қонунларнинг жойлардаги ижроси ва уларнинг самарадорлигини ўрганиш мақсадида Андижон вилоятида «Солиқ соҳасидаги хуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган маъмурий жаавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳўжатлари ижроси самарадорлигининг ўрганилиши ҳамда Фарғона вилоятида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги қарори билан тасдиқланган «Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури»нинг бажарилиши юзасидан ўтказган назорат-таҳлил фаолияти шулар жумласидадир. Ўрганиш натижалари асосида қўмитанинг алоҳида қарори қабул қилинди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш борасида мутасадди ташкилотларга тегишли тавсиялар берилди. Булар албатта амалиётда ўз самарасини бериши шўбҳасиз.

Кўмита томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида» ҳамда «Қамоққа олишга санкция бериш хуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонлари ижросини таъминлаш юзасидан амалий ишлар қилинмоқда. Инсон ҳаётини эъзозлашга қаратилган мазкур Фармонни кенг жамоатчилик орасида тушунтириш, унинг мазмун-моҳиятини тарғибот қилиш мақсадида катор семинарлар ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Кези келганда таъкидлаш ўринлики, «Қонунчилик ташаббуси хуқуқини амалга ошириш: тажриба ва муаммолар», «Суд-хуқуқ ислохотларида парламентнинг роли», «Хуқуқий маданиятни юксалтиришда қонун ижодкорлигининг роли», «Суд-хуқуқ тизимини ислох қилишнинг долзарб муаммолари», «Қонунчилик палатаси ва унинг депутатлари томонидан парламент сўрови хуқуқини амалга ошириш масалалари» ва бошқа шу каби мавзуларда ташкил этилган конференция, семинарлар депутатлар профессионал малкаларининг ошишига, муаммоларнинг қонуний ечимларини топиш борасидаги фикрларнинг, қарашларнинг шаклланишига хизмат қилмоқда. Буларнинг барчаси Ватанимиз мустақиллиги, юртимиз тинчлиги, барқарор иқтисодий ривожланиши мустаҳкамлаш, фуқароларимиз турмуш фаровонлигини оширишга олиб келади, деб ўйлаймиз.

Абдумонноб РАҲИМОНОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, Қонунчилик ва суд-хуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси

O'zbekiston havo yo'llari  
**TOSHKENT**  
XALQARO AEROPORTI  
Хизматлар лицензияланган

**O'ZSANOATQURILISHBANK**  
SIZNING MANFAATINGIZ — BIZNING MAJBURIYATIMIZ!  
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26  
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz  
Хизматлар лицензияланган

**TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI**  
MULKIDORGA HANMOR!  
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, факс: 133-20-74  
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Btj@tshmbm.uz  
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари  
Сизнинг муваффақиятингиз учун!  
«ПАХТА БАНК» — ФАРВОҲЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР  
Хизматлар лицензияланган

Миллат ва маънавият

БОЛА ЯХШИ ВА ЁМОН ОДАТНИ ЎЗ УЙИДАН ТОПАДИ

Фарзанд тарбияси ота-она зиммасига унинг келажаги, эртаси, жамиятда ўз ўрнини топиши учун айтарлиқ масъулиятини юклайди.

...Бу одам авваллари менга «сен» деб гапирарди. Энди сиз-лайди. Бу одамнинг ўғли билан тенгдош эдим. Бу одамнинг дами анча баланд эди. Биз томоннинг бооброларидан бири эди. Углига ҳар ойда велосипед олиб берарди. Бу одамнинг уйи қаср эди. Қўшلاق аҳлининг ўз соясига салом беришини истарди. Хуллас, биз томоннинг «катта»қони эди.

Бир ўғли кўз шифокори. Бири журналист. Қизлари ҳам ҳаётда ўз йулини топиб, ўқимишли, зиёли инсон бўлиб етишди. Бир қизи шифокор, бири ўқитувчи. Серфарзанд оиланинг турри тарбия топган поллоналари ҳаёт кенглигида, тирчилик самосида учирма бўлиб ўз манзиллари, мақсадларига етишди.

Ийлар ўтади. Вақт бизнинг ҳўқимизга бўйсунмайди. Қийим бош эскиради. Мансаб ҳам абадиймас. Фақат инсоннинг ички бутунлиги дараз кетмас бўлиб.

Болақайнинг ота-онаси бо-обури одамлар. Онаси вилоят миқсидаги раҳбарлардан бири. Ота эса доринг тадбиркор. Турмуш-танзи биноийдай. Мен, тўғриси, шу бола билан атай-лаб суҳбатлашдим. Унинг шу пайтгача бирор китобини ёлчи-тиб ўқиганини сезмадим. Оила-сида умуман, китоб мутлоаси борасида гап-суз бўлишини пай-камадим.

Мансаб, мол-дунё, вақтинча-лик кайф-сафо... бари-бари ўткинчи. Пайти келиб, кекса-қанда фарзандларимнинг рож-атини кўраман, деган одам улара болаликдан тўғри тар-бия беради. Бу беш кунлик си-новли дунёда ўзимдан яхши из қолдиришни фарзандлар, одоли невар-чеваралар тим-солида ҳам кўрмоғимиз мум-кин.

Бордим. Бир пайтлардаги до-вуқли, районнинг эгаси бўлиш Фалончи Писмодончиёвичини фойдадаги юмшоқ ўриндиқада кўришим ҳамон танидим. Ни-гоҳи ҳалиям ўткир. Тешиб ю-бораман дейди.

Мана сизга оиладаги муҳит-нинг ижобий таъсири. Тарбия — тошга битилган битик каби инсон қалбини ёрқин бе-за-гига айланади.

Фарзандни едир-иш-чири-ши, қийинтириш, яхши уйда яша-тиб, яхши машиналарда олиб юриш бошқа. Бироқ унинг кўнглида азгулик, меҳр-оқибат, раҳм-шафқат туйғуларини жон-ландириб, китобга, ҳаёт гўзал-лигига ошно этиб тарбиялаш бо-шқа. Фарзанд тафаккурига тўқлиги шўхлик эмас, болалик-дан тоза меҳнатга иштиёқ уй-ғотиб, фикрини чархлаб, зиё-лилик уруғини кўнглига экиб улғайтиш муҳим. Шундай қилингансина бундай фарзанд-га ота-онанга, тарбия бер-ганинга минг раҳмат, дейиша-ди.

Бордим. Бир пайтлардаги до-вуқли, районнинг эгаси бўлиш Фалончи Писмодончиёвичини фойдадаги юмшоқ ўриндиқада кўришим ҳамон танидим. Ни-гоҳи ҳалиям ўткир. Тешиб ю-бораман дейди.

Мана сизга оиладаги муҳит-нинг ижобий таъсири. Тарбия — тошга битилган битик каби инсон қалбини ёрқин бе-за-гига айланади.

Фарзандни едир-иш-чири-ши, қийинтириш, яхши уйда яша-тиб, яхши машиналарда олиб юриш бошқа. Бироқ унинг кўнглида азгулик, меҳр-оқибат, раҳм-шафқат туйғуларини жон-ландириб, китобга, ҳаёт гўзал-лигига ошно этиб тарбиялаш бо-шқа. Фарзанд тафаккурига тўқлиги шўхлик эмас, болалик-дан тоза меҳнатга иштиёқ уй-ғотиб, фикрини чархлаб, зиё-лилик уруғини кўнглига экиб улғайтиш муҳим. Шундай қилингансина бундай фарзанд-га ота-онанга, тарбия бер-ганинга минг раҳмат, дейиша-ди.

Бордим. Бир пайтлардаги до-вуқли, районнинг эгаси бўлиш Фалончи Писмодончиёвичини фойдадаги юмшоқ ўриндиқада кўришим ҳамон танидим. Ни-гоҳи ҳалиям ўткир. Тешиб ю-бораман дейди.

Мана сизга оиладаги муҳит-нинг ижобий таъсири. Тарбия — тошга битилган битик каби инсон қалбини ёрқин бе-за-гига айланади.

Фарзандни едир-иш-чири-ши, қийинтириш, яхши уйда яша-тиб, яхши машиналарда олиб юриш бошқа. Бироқ унинг кўнглида азгулик, меҳр-оқибат, раҳм-шафқат туйғуларини жон-ландириб, китобга, ҳаёт гўзал-лигига ошно этиб тарбиялаш бо-шқа. Фарзанд тафаккурига тўқлиги шўхлик эмас, болалик-дан тоза меҳнатга иштиёқ уй-ғотиб, фикрини чархлаб, зиё-лилик уруғини кўнглига экиб улғайтиш муҳим. Шундай қилингансина бундай фарзанд-га ота-онанга, тарбия бер-ганинга минг раҳмат, дейиша-ди.

Қонун барчага баробар

ИНВЕСТИОРНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

ЮРИДИКАДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ҚЎШМА КОРХОНАЛАР МИСОЛИДА ЎЗ ИСБОТНИ ТОПМОҚДА

Мамалятимизда бугун қўлба чет эл қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Инвесторларга яратилган қўлай муҳит чет эллик ишбилармонларни Ўзбекистонга кўчуриб олишга интилади.

Суднинг мазкур қарори юзасидан Самарқанд вилоят божона бошқармаси томонидан келтирилган апелляция ва касация шикоятлари вилоят ҳўқалиқ судининг апелляция судлов ҳайати-нинг 2005 йил 7 декабрдаги, Олий ҳўжа-лик суди касация судлов ҳайатининг 2006 йил 14 февралдаги қарорлари би-лан қаноатлантирилмади ва биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзғаришсиз қолдирилди.

2006 йил 3 февраль куни вилоят ад-ля божқармаси «URG-ANTER-YASHAM» корхонаси манфаатини кўзлаб, Самарқанд вилояти божона бошқармаси томонидан нотўғри унди-рилган жами 18.740.042 сўм миқдорид-аги бож тўловларини қорхонанинг кел-гуси тўловлари ҳўқибга ўтказиш тўғри-сида вилоят ҳўқалиқ судига даъво ари-заси киритди.

Вилоят ҳўқалиқ судининг 2006 йил 6 мартдаги ҳал қилув қарори билан ма-зкур қўшма корхона манфаатларига ни-сбатан қўзғатилган даъво қаноатланти-рилди. Божона бошқармаси 18.740.042 сўм миқдоридаги ноқонуний ундирилган тўловларни «URG-ANTER-YASHAM» ўзбекистон — Туркия қўшма корхона-си томонидан ишлаб чиқарилаёт-ган махсулотлар таннархининг ошиши ва ўз навбатида қорхонанинг иқтисо-дий аҳволига таъсир этиб, инвестиция

ИМОН ВА ЭЪТИҚОД РАМЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Шуқурлар бўлсинки, диёримиз мусулмонлари эмин-эркин эътиқод қилиш имконига эга бўдиллар. Бунинг фаолият юритаётган битта олий ва ўрта махсус диний олий даргоҳларида махсус диний ва дунёвий таълим стандарти асосида ёшларга билим берилмоқда.

— Бу йил 5000 нафар фуқаромизнинг Ҳақ зиёратига бориши режалаштирилган, — дейди Дин иш-лари бўйича қўмита раиси ўринбосари О.Усупов. — Уч мингдан зиёд юртдошларимиз эса Умага амалларини бажариш истагини билдирганлар.

В.ЛУҚМОНОВ, ЎЗА мухбири

Озод юртнинг обод манзиллари НУКУС – ҚОРАҚАЛПОҚ

«Биз бугун бетакрор қиёфа касб этиб бораётган кўпмиллатли Нукус шаҳрини йирик sanoat, илм-фан ва маданият маркази, дўстлик ва биродарлик шаҳри, деб таърифлаймиз. Ва албатта бу таърифларнинг барчаси мустақкам ҳаётин асос ва заминга эга...»

Ислом КАРИМОВ (2003 йил, 12 сентябрь, Нукус шаҳрининг 70 йиллигига бағишланган ва шаҳар «Дўстлик» ордени билан тақдирланган таптанали маросимдаги нутқдан)

Мустақиллик йилларида Нукус шаҳри қиёфаси мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Sanoat корхоналарининг янги-янги турлари вужудга келди, махсулот турлари кўпайди. Транспорт vositalari хизмати яхшиланди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида ибратли ишлар амалга оширилди.

— Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришини давлатимиз тарихида янги босқич бўлди, — деб ҳикоя қилди шаҳар ҳўқими, Қорақалпоғистон Республикаси Ҳўқори Кенгеси депутати Жалғасбай Бердиканов. — Нукусда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ислохотлар жадал тос олди.



«Ўзбекистон овозига» жавоб берадилар КИМГАДИР ИМТИЁЗ, ЭЪТИРОЗ

ЁКИ ШИРКАТ ҲўЖАЛИГИНИ ТУГАТИШ КОМИССИЯСИ ФАОЛИЯТИДАГИ КўЗБўЯМАЧИЛИКЛАР ВА МАНСАБДОР ШАХСЛАРГА НИСБАТАН ЖИНОЯТ ИШИ КўЗГАТИЛГАНИ ҲАҚИДА

Газетамизнинг 2006 йил 20 май сонида chop этилган «Кимгадир имтиёз, кимгадир эътироз» сарлавҳали мақолада ана шу масала кўтарилган эди. Олтиариқ тумани, «Ғайрат» ҚФЙ, Оқунбоёвобов қўчаси, 86-ўйда истиқомат қилувчи Имомхўжа Ҳамролиевнинг тахриратта йўлланган шикоят хати асосида тайёрланган мақолада ширкат ҳўжалигини тугатиш ва қайта ташкил этиш комиссияси фаолияти билан боғлиқ «кимошди» савдоси ва тендерни ўтказишдаги адолат-сизликлар ҳақида ёзилган эди.

«Фаргона вилоят прокуратураси томонидан Олтиариқ тумани, «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалигини тугатиш комиссиясининг боғлиқ «кимошди» савдослари орқали сотишда йўл қўйилган қўнғубузилиш ҳолатлари юзасидан ёзилган «Кимгадир имтиёз, кимгадир эътироз» мақоласида келтирилган ҳолатлар ўрганилди.

Тугатиш комиссияси томонидан 38-лойиҳа бўйича қўзғатилган қайта «кимошди» савдосида талабгорлар Қ.Мамадолимов, И.Тошўлтолар, М.Юлдашевлар қатнашиб, Қ.Мамадолимов боғлиқ 4.0 млн. сўмга сотиб олган.


Тугатиш комиссияси томонидан 38-лойиҳа бўйича қайта «кимошди» савдоси ўтказиш давомида Ўзбекистон Республика Фуқаролик кодексининг 380-моддасида кўрсатилган, эълон берилгандан кейин 1 ойдан сўнг «кимошди» савдоси ўтказилиши ҳақидаги талаблар бузилганлиги аниқланиб, туман прокуратураси томонидан 2006 йилнинг 15 март кунги тугатиш комиссиясининг 44-сонли қарорининг 38-лойиҳа бўйича талабгор Қ.Мамадолимовни голий деб топил ҳақидаги 1-қисмига протест келтирилган.

Тугатиш комиссияси масъул шахсларига нисбатан қўзғатилган жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилаётган.

Жамшид СУБХАНҚУЛОВ, Самарқанд вилоят адлия божқармаси бошлиғи



Археология янгиликлари



ДАЛВАРЗИНТЕПАНИНГ ЯНГИ ТОПИЛМАЛАРИ

Куни кеча бу ердан яна олтига хум, юзга яқин мис танга, идиш-товоқлар, ҳайкалча...

Шу йилнинг августида Япониядаги Сока университетининг бир гуруҳи археологлари...



фуланувчи олимларни ҳам қизиқтириши шубҳасиздир. Шунингдек, қазималар чоғида харобалар тағидан...


Шундай қилиб, бу йилги ишлар низоҳасига етди. Далварзинтепа бағридаги сир-синоатлар ҳали яна очилади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Баркамол авлод орзуси

ЧИРЧИҚ ОЛИМПИА ЗАХИРАЛАРИ КОЛЛЕЖИ

Мустақиллик йиллари сарҳисобига назар ташласак, мамлакатимиз ёшларнинг спортдаги улкан галабалар...



гун бизда эшак ашиш, дзюдо, велоспорт, енгил ва оғир атлетика, футбол, кураш...

Кимки спорт билан мунтазам шуғулланса, у маънавий ва жисмоний жиҳатдан етук бўлади. Демак, ҳулоса шундай: бугунги ёшларимизни кўпроқ спортга жалб қилишимиз керак.



Мулоҳаза

ҲАЙРАМАЙ ҚИЛИНГАН «ХАЙРЛИ ИШЛАР»

Ҳаммага маълумки, собиқ иттифоқ даврида кўпгина ишлар ўзбошимчилик билан, аҳоли шароити, ҳолати ўрганилмаган кўр-кўрона қилинган...

олинмаган. Бу ҳатоларнинг оқибатида бугун Китев кўчасида истиқомат қилувчи оилаларнинг 1000 нафардан ортиқ фарзандлари 3 километрик масофага қатнашга мажбур бўлмоқда.


«Таначи» каналнинг суви Ангрен дарёсидан оқиб келиб, Покент тумани далаларига чата боради. Покент ерларида эса сув асосан май ойининг охиридан бошлаб керак бўлади.

чилари ёзги таътилга чиқишади. Яна шунини айтиш лозимки, захирадаги сувдан ҳоҳлаган пайтда фойдаланиши мумкин. Агар бу иш амалга оширилса, Олмалик аҳлини кўп кўнгилсизликлардан асраган бўларди...

Барока ҲАЙДАРОВ, Олмалик шаҳар 8-маҳсуф мактаб-интернати ўқитувчиси

Интер-спорт

ШЕВЧЕНКО ИШОНЧИ ОҚЛАРМИКАН?



Лондоннинг «Челси» футбол клуби мураббийи Жозе Моуринью жамоага қабул қилинган Андрей Шевченкога катта умид боғламоқда.

«Челси» мураббийи 29 ёшли ҳужумчининг иқтидорига шубҳа билан қарамоқда. «Шева» сўзиси ажойиб ўйинчи, — дейди Жозе. — Лекин ҳозирча тушунмай турибман. Чунки ундан кўп нарсани кутмоқдамиз. Мен ҳам, унинг ўзи ҳам майдонда жавлон уриб маҳорат кўрсатишини истаймиш. Ҳозирча бу футболчи Лондон шарт-шароитига кўнма ҳосил қилияпти, дейиш қийин. Чунки биз ҳам «Милан» усулида ўйин кўрсатамиш. Нима бўлганда ҳам Шева барибир албатта тўп киритади деб ўйлайман».

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки раҳбарияти ва жамоаси банкнинг Наманган вилояти филиали бошлиғи Баҳодир Жўраевга падари буруқвор

ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР! «КАФОЛАТ-ТРАСТ» масъулияти чекланган жамияти

Сизларни 2006 йил 21 октябрь соат 15.00 да Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими билан ҳамкорликда «КАФОЛАТ-ТРАСТ» МЧЖ савдолар залида ўтказилаётган навбатдаги очик аукцион савдоларига таклиф этади.

- Савдоларга Тошкент шаҳар 1-сонли нотариал идорасининг нотариал ёзувига асосан Тошкент шаҳар суд ижрозчилар бўлими томонидан хатланган «Азия Лат» МЧЖ қўшма корхонасига тегишли кўйидаги объектлар кўйилди: 1. Тошкент шаҳар, Лисунов кўчаси, 17-уйда жойлашган «Блок-А», умумий майдони 660,60 кв. метр бўлган, 1986 йилда вилладан қурилган, бир қаватли савдо дўкони ва грин-бар бино ва ишхоналари. Божлангич баҳоси — 64 960 000 сўм.

БЕКХЭМ АНГЛИЯГА ҚАЙТМОҚЧИ ЭМАС



Англия терма жамоасининг собиқ сардори Дэвид Бекхэм ўзини қачонлардир яна мамлакат миллий жамоаси ёки клубларидан бири таркибига ўйнаши мумкинлигига шубҳа билдирди. Телевидение мухбирларига берган интервьюсида Англия терма жамоасининг янги бош мураббийи Стив Макларен уни таклиф қилишига ишонмаслигини маълум қилган.

ди 31 ёшли ярим ҳимоячи. — Тўғриси, бу масалани мен муҳокама қилмайман ва ҳал этолмайман. Бир нарсани билман, у ҳам бўлса ҳозир Испаниянинг «Реал» клубида тўп суришдан завқ олаётган. Шунинг учун Англия миллий чемпионатида қайтишим даргумон. Узоқ йиллар «Манчестер Юнайтед» клубида ўйнадим. Бу жамоа мени қўлади, бунинг ҳеч қачон умумийман. Умуман олганда Англия клубларининг биронтасида яна ўйнашни тасаввур қилолмайман».

Advertisement for Bosh Muharrir: Safar OSTONOV, Tahrir Hay'ati, Muassis: O'zbekiston Xalq Demokratik Partiyasi Markaziy Kengashi, Bo'limlari: Siyosat, partiya va xalqaro hayot, Ma'naviyat va ma'rif, Iqtisodiyot, Ekologiya va salomatlik, Viloyati muxbirlari, Manzilimiz: 700000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.